

Узб. 2
65
ж-27

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

“ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ” КАФЕДРАСИ

Г. Жанназарова,

Р.Абдуллаева

АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ

барча таълим йўналишлари учун

ЛАБОРАТОРИЯ ПРАКТИКУМИ

ТОШКЕНТ 2019

Ушбу.2
05
21-24

“Амалий бухгалтерия” фанидан лаборатория практикуми 5230100 Иқтисодиёт (Тармоқлар ва соҳалар бўйича) ихтисослиги бўйича барча таълим йўналишлари 3-4 курс талабалари учун мўлжалланган. “Амалий бухгалтерия” фани бўйича лаборатория практикуми лаборатория ишини бажариш учун муфассал мисол ва масалаларни, тавсия этилган адабиётлар рўйхатини камраб олган, берилган масалаларни бажариш учун “Амалий бухгалтерия” фанидан ўтилган барча мавзуларни, тавсия этилаётган адабиётлар ҳамда кўшимча манбаларни ўқиш чикиш ва пухта ўрганиш талаб қилинади.

Ушбу лаборатория практикуми топшириқлари корхона маълумотларини жамлаш, бухгалтерия кўрсаткичларини таҳлил қилиш, натижаларни расмийлаштириш ва “ИС бухгалтерия” дастурида ишлаш бўйича билимларни мустаҳкамлашни кўзда тутати.

Такризчилар:

- Эгамбердиев Ф.Т. “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси профессори, и.ф.д.
- Муминов Н.Г. “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси доценти, и.ф.н.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Иқтисодиёт факультети “Иқтисодиёт назарияси” кафедрасининг 2019 йил 23 август мажлисида кўриб чиқилган ва №1 Баённомасида тасдиқланган.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Иқтисодиёт факультети ўқув услубий кенгашининг 2019 йил 28 августдаги 1-сонли мажлис қарори билан нашрга тавсия этилган.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясига мувофиқ халқаро тажрибадан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан, ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш, олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб хисса қўшадиган, меҳнат бозорига ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси мақсадли кўрсаткичларида ўқув режаларида амалий кўникмаларни оширишга қаратилган мутахассислик фанлари бўйича амалий машғулотлар улушини 2019 йилда 35 фоизга, 2023 йилда 55 фоизга, 2030 йилда 80 фоизга ошириш кўзда тутилган.

Белгиланган мақсадлар олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Амалий бухгалтерия” бўйича лаборатория практикуми талабаларнинг “Молиявий ҳисоб”, “Иқтисодий таҳлил ва аудит”, “Корхона иқтисодиёти”, “Солиқлар ва солиққа тортиш” каби махсус фанларни чуқур ўрганишларини талаб қилади.


1. ЛАБОРАТОРИЯ ПРАКТИКУМИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

«Амалий бухгалтерия» лаборатория практикумининг мақсади бухгалтерия ҳисоби бўйича семестр давомида ўтилган назарий ва амалий материалларни мустаҳкамлашдан иборат.

Лаборатория практикуми муфассал мисол ва масалаларни ечишни назарда тутати.

Ушбу масалани ечиш давомида талабалар томонидан бирламчи ҳисобот тизими, счётлар, иккиламчи ёзув, бухгалтерия маълумотларини регистрация қилиш, синтетик ва аналитик ҳисоб асосида ҳисоб-китоб регистрларини расмийлаштириш ва уларни ИС бухгалтерия дастурига киритиш билан боғлиқ вазифали хўжалик ҳолатлари қараб чиқилади.

- Лаборатория практикумида куйидаги мавзулар кўриб чиқилади:
- б сисёати;
- ий воситалар ҳисоби;
- явий қўйилмалар ҳисоби;



- моддий захиралар хисоби;
- пул маблағлари хисоби;
- хисобдор шахслар билан хисоб-китоб;
- мехнатга ҳақ тўлаш бўйича хисоб-китоб;
- ишлаб чиқариш харажатлари хисоби ва тайёр маҳсулот таннархини калькуляция қилиш.

Бухгалтерия хисоби ва хисобот шартли хўжалик юритувчи субъект хўжалик фаолияти мисолида амалга оширилади. Хўжалик операциялари хисоби бир хисобот даври – 2017 йил август билан чегараланади. Хўжалик операциялари амалга ошириладиган санадаги Бухгалтерия (молиявий) хисоби, солиққа тортиш соҳасидаги метърий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. 2017 йил 1 январда амалда бўлган кўрсатилган ҳужжатлар рўйхати адабиётлар рўйхатида келтирилган ва иқтибослар берилган. Хўжалик субъекти ва унинг фаолиятига қисқача тавсиф, бухгалтерия хисоби сўтлари бўйича бошланғич сальдо, шунингдек, объектлар хисоби рўйхати масалаларда келтирилган.

Хўжалик операциялари 2017 йил август ойи учун хўжалик операциялари журналида мавзулар бўйича гуруҳланган. Масалаларни ечишда бухгалтерия хисоби бўйича метърий-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиш талаб этилади. Оралиқ хисоблар жадвалларда амалга оширилади. Журнални тўлдириб бўлаётганда хўжалик операциялари бўйича жами хисобланади.

Масалаларни ечишнинг кейинги босқичи операцияларни бухгалтерия хисоби сўтларида акс эттиришдан иборат. Кўрсатилган сўтлардаги маълумотларга асосан бухгалтерия хисобининг синтетик сўтлари бўйича оборот ведомость тузилади. Буни компьютерда Excel дастуридан фойдаланиб тузиш мумкин.

Яқунловчи босқичда бухгалтерия хисоботи формаси тўлдирилади. Синтетик сўтлар бўйича оборот ведомостда фойда ва зарарлар ҳақидаги (форма № 2) маълумотларга асосан Бухгалтерия баланси (форма №1) тузилади.

Лаборатория ишини бажариш жараёнида талаба:

- корхонада 1С бухгалтерияни ташкил қилиш, хусусий фаолиятни ташкил этиш, типик усулларни танлай олиш ва профессионал масалаларни ҳал этиш, унинг самарадорлигини ҳамда сифатини баҳолай олиш тўғрисида *тасаввурга эга бўлиши*;
- давлат ташкилотлари ва корхоналарда хисоб юритилиши каби иқтисодий жараёнларнинг хусусиятларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- корхоналарнинг иқтисодий муаммоларини таҳлил қилиш орқали қарор қабул қилиш, корхона хўжалик операцияларини автоматлашган қайта ишлашдан ўтказиш, корхона мулки ва мажбуриятлари устидан назорат ўрнатиш ҳамда бухгалтерия хисоботларини туза олиш *кўникмаларига эга бўлиши керак*.

2. АХБОРОТ БАЗАСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ИШ ДАВРИНИ ЎРНАТИШ

1 Масала.

Компьютерда ўрнатилган бўш ахборот базаси асосида ўзингизнинг янги базангизни шакллантириш ва уни ишчи ахборот базаси рўйхатида киритиш.

1 кадам.

- Мой компьютер ► Локальный диск С ► Program file ► 1С ►
- Скопировать папку 1 sbdb ► Открыть Мои документы ►
- Вставить копию 1 sbdb в свою Новую созданную папку

2 кадам.

- Ярлык 1С ► Флажок Монопольно ► Экранная кнопка *Добавить* ►
- Наименование своей новой созданной базы
- Найти путь к папке новой созданной базы (открыть папку) ► Открыть 1 sbdb ►
- Выделить Ext ► ОК ► ОК

2 Масала.

Корхонанинг иш даври параметрларини белгиланг

Тизим функцияси параметрлари.

Иш санаси: 1 август 2017 йил.

«Бухгалтерские итоги» закладкасида куйидаги параметрларни белгилаш зарур:

Квартал: 3 квартал 2017 й.

Ой: Август 2017 й.

Кун: 1 август 2017 й.

Оралик: 01.01.2017 йилдан 31.12.2017 гача.

Иш даври параметрларини «Журналы» закладкасида ҳам белгиланг .

«Операция» закладкасида операциялар суммасининг стандарт хисоботини белгиланг.

Жами хисоблар даврини белгилаш.

«Операции» менюсида «Управление бухгалтерскими итогами» пунктини очиб керак.

1. по счёти майдонида белгиланг – 3 квартал 2017 й.
2. «Установить расчёт» кнопкасини босиш.
3. «Пересчитать» кнопкасини босиш.
4. Выход кнопкасини босиш.

3. АХБОРОТ МАЪЛУМОТНОМАНИ КИРИТИШ

Ташкилот тўғрисида маълумотларни киритиш.

3 масала

Рўйхатга олиш ҳужжатларида корхона тўғрисида куйидаги маълумотлар кўрсатилган:

Рўйхатга олинган санаси: 1 август 2017 йил.
Номи: «Карамелька» МЧЖ
Тўлик номи: «Карамелька» масъулияти чекланган жамияти
Солиқларни тўлашда тўлов талабномаларида тўловчининг номи:
«Карамелька» МЧЖ
Юридик манзили: Чирчиқ ш., Полвон кўчаси, 7.
Почта адреси: 111700, Чирчиқ, а/я 24
Телефон: 9987071-73-18-24.

«Коды» закладкаси

ИНН/КПП: 304234567

Фаолият тури (тармоқ): кондитер маҳсулотларини ишлаб чиқариш

ОГРН: 1811500000000

ОКПО: 46330132

ОКОПФ: 29

ОКЭД: 58690

ОКФС: 17

Ташкилий ҳуқуқий шакли: МЧЖ

Ҳудудий шароити: Корхона жойлашган код.

«Банк» закладкаси

АТ "Узсаноатқурилишбанк" Чилонзор филиали 043050571

Корсчети 30101810100000001929.

Х/Р 42301810700020002811.

Юридик манзил: Чирчиқ ш., Навбахор кўчаси, 5г.

Индекс, банкнинг почта адреси: Чирчиқ ш., 111700, а/я 99.

Телефон: 99897071-36-75-39.

«ИФНС» закладкаси.

Серия, номер: 6391

Берилган санаси: 01.10.08

Гувоҳномани берган солиқ органи номи: Чирчиқ ш. ИНС.

Гувоҳномани берган солиқ органи коди: 4205

Ҳисобот топшириладиган солиқ органи: Чирчиқ ш. ИНС.

Солиқ органи коди: 4205

«Налог» закладкаси.

Ташкилот олинган даромаддан ягона солиқ тўловчи: йўқ

Чакана савдодан олинган даромаддан ягона солиқ тўловчи: йўқ.

Ташкилотга Ўзбекистон Республикаси СК 78 моддасига биноан ягона

ижтимоий тўлов бўйича имтиёз берилган: йўқ.

Ташкилот қўшилган қиймат солиғи тўловчиси: ха.

«Ответственные лица» закладкаси ишга олиш тўғрисидаги буйруқлар асосида кейинчалик тўлдирилади.

«Сотрудники» маълумотномаси.

4 масала.

«Приказы о приеме на работу» ни шакллантиринг.

1. 2017 йил 1 августдаги №1 сонли буйруққа асосан «Карамелька» ОАЖ раҳбари лавозимига 2 500 000 сўм маош билан Тулаганов Андрей Турсунович қабул қилинди.

ИНН – 420509021979.

Туғилган санаси: 16.05.1972 г.

Бўлим: Маъмурият.

Иш тавсифи: Мехнат муносабатлари ўрнатилган.

Умум хўжалик харажатлаои: Ташкилот бошқарув аппарати иш хақи.

ЯСТ ҳисобланган харажатлар моддаси: ЯСТ.

МХТЖ дан ўтказилган харажатлар моддаси: Солиқ ва йиғимлар.

Қарамогидоғилар сони – 1 бола.

Паспорт маълумотлари: серия АВ № 2345420, 16.06.2001 йил Чирчиқ шаҳар ИИБ томонидан берилган.

2. 2017 йил 1 августдаги №2 сонли буйруққа асосан «Карамелька» ОАЖ бош бухгалтери лавозимига 2200 000 сўм маош билан Сергеева Анна Васильевна қабул қилинди.

ИНН – 420174852319.

Туғилган санаси: 28.01.1963 й.

Қарамогидоғилар сони – 2 бола.

Паспорт маълумотлари: серия АА № 3210235, 29.01.2001 йил Тошкент шаҳар Яққасарой туман ИИБ томонидан берилган.

3. 2017 йил 1 августдаги №3 сонли буйруққа асосан «Карамелька» ОАЖ га кассир лавозимига 100 000 сўм маош билан Ким Антонина Васильевна қабул қилинди.

ИНН – 420501220212.

Туғилган санаси: 24.09.1965 й.

Қарамогидоғилар сони – 3 бола.

Паспорт маълумотлари: серия АС № 2485701, 24.12.2001 йил Чирчиқ шаҳар ИИБ томонидан берилган.

4. 2017 йил 1 августдаги №4 сонли буйруққа асосан «Карамелька» ОАЖ экспедитор-ҳайдовчи лавозимига 800 000 сўм маош билан Иванов Константин Петрович қабул қилинди.

ИНН – 420506010213.

Туғилган санаси: 16.05.1979 г.

Бўлим: Цех № 1.

Умум ишлаб чиқариш харажатлари: Цех бошқарув аппарати таъминоти
Карамогидагилар сони – 2 бола.

Паспорт маълумотлари: серия ВА № 5411208, 01.02.2001 йил Чирчик
шаҳар ИИБ томонидан берилган.

Ҳисоб сибсати тўғрисида маълумотларни киритиш.

Ҳисоб сибсати тўғрисида муҳим параметрлар "Сервис – Учетная
политика" менюси орқали амалга оширилади.

Ҳисоб сибсати маълумотлари	01.08.2017 й.
Тушумларларни аниқлаш усули	Юклаш бўйича
Эгри сарфларни тақсимлаш базаси	Тўғри харажатлар суммаси
«Директ-костинг» усулидан фойдаланиш	Ҳа
Материаллар қийматини ўртача баҳолаш вариантини қўллаш.	Ўлчанган баҳо
Товарлар қийматини ўртача баҳолаш вариантини қўллаш.	Ўлчанган баҳо
ПБУ 18/02 қўлланади	Ҳа

Конфигурациянинг умумий настройкаси.

«Начальные значения» закладкасида «Ставка НДС» майдонида янги
элемент киритиш – 12%.

«Приходные документы» закладкасида «Основной вариант расчета
налогов» майдонида янги элемент киритиш – ҚҚС суммаси -15%.

«Контрагенты» маълумотномаси.

5 масала.

«Контрагенты» маълумотномасида ташиқлот таъсисчилари – юридик ва
жисмоний шахслар ҳақидаги маълумотларни киритиш керак:

1. «Чирчик сут комбинати» ОАЖ

Тўлиқ номи: «Чирчик сут комбинати» Очик турдаги Акционерлик
Жамияти

Юридик адрес: Чирчик ш., Махзун кўчаси, 54.

Почта адреси: Чирчик, 650070, а/я 70.

Телефон: 31-28-82.

ИНН: 5407121401

Ҳисоб рақами: 40702810226020111053

Банк: АКБ «Капитал банк»

Банк адреси: Чирчик шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 33 уй.

Индекс, банкнинг почта адреси: Чирчик, 650099, а/я 99

Телефон: 77-72-26

Корр. счёти: 40101810400000010002

БИК: 043207002

2. Ф.И.О.: Туляганов Андрей Турсунович

Адрес: Чирчик, 650065, Курувчи кўчаси, 20 – 29.

Телефон: 73-03-78

ИНН – 420509021979.

Паспорт маълумотлари: серия АВ № 2345420, 16.06.2001 йил Чирчик
шаҳар ИИБ томонидан берилган.

3. Ф.И.О.: Сергеева Анна Васильевна

Адрес: Чирчик, 650036, Бирлашган кўчаси, 25а – 3.

Телефон: 35-24-97

ИНН – 420174852319.

Паспорт маълумотлари: серия АА № 3210235, 29.01.2001 йил Тошкент
шаҳар Яққасарой туман ИИБ томонидан берилган.

4. УСТАВ КАПИТАЛИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

6 масала.

2017 йил 1 августда Янги корхона «Карамелька» МЧЖ давлат рўйхатидан
ўтказилди.

Таъсис ҳужжатларига мувофиқ устав капитали 1 400 000 сўми ташкил
қилади.

Иштирокчилар улушлари куйидагича тақсимланган:

Юридик шахслар:

«Чирчик сут комбинати» – 1 000 000 сўм.

Жисмоний шахслар:

Туляганов А.Т. – 200 000 сўм.

Сергеева А.В. – 200 000 сўм.

Ушбу ҳолатни корхона томонидан яратилган бухгалтерия ҳисоботида
кўрсатиш керак.

5. КАССА ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҲИСОБИ

7 масала.

2017 йил 1 августда корхона кассасига таъсисчилар – жисмоний шахслар
томонидан устав капиталига бадал сифатида куйидаги сумма қўйилди:

Туляганов А.Т. – 200 000 сўм.

Сергеева А.В. – 200 000 сўм.

Жами: 400 000 сум.

8 масала.

2017 йил 1 августда иш куни охирида икки нусхада кунлик касса
операцияларини акс эттирувчи касса китоби varaгини шакллантириш керак

9 масала.

Корхона раҳбарининг 02.08.2017 йилдаги №5 буйруғига асосан таъсисчилардан қўйилма сифатида олинган 400 000 сўм нақд пул маблағлари АТ “Ўзсаноатқурилишбанк” 043050571 Чилонзор филиалидаги № 42301810700020002811 ҳисоб рақамига ўтказилди.

10 масала.

2008 йил 3 октябрда АТ “Ўзсаноатқурилишбанк” 043050571 Чилонзор филиалидаги МЧЖ “Карамелька” ҳисоб рақамидан Ж 09 № 279 2.08.2017 йилдаги чек бўйича кассага корхона эҳтиёжлари учун 500 00 сўм пул маблағлари олинган.

6. ҲИСОБ РАҚАМИ БЎЙИЧА ОПЕРАЦИЯЛАР

11 масала.

2017 йил 1 августда “Карамелька” МЧЖ ҳисоб рақамига «Чирчик сут комбинати» ОАЖдан устав капиталига бадал сифатида 100000 сўм маблағ ўтказилди. Ҳисоб рақамига пул маблағлари кирими фактини ёзинг.

7. ХАРИДОРЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБ

12 масала.

2017 йил 19 августда “Карамелька” МЧЖ 18.08.2017 йилдаги №1 сонли шартномага мувофиқ келажакда сут махсулотлари етказиб бериш ҳисобига “Молочный домик” МЧЖ СУ дан олдиндан тўлов олинган. 250157 сўмлик олдиндан тўлов факти №1 тўлов талабномаси илова қилинган ҳолда 19.08.2017 йилдаги банк ҳисоб-китобидан выписка билан тасдиқланган. Тўлов талабномасига кўра олдиндан тўловга 15 % ҚҚС киритилган. Олдиндан тўлов ўтказилганлигини компьютер бухгалтериясида ифодаланг.

“Молочный домик” МЧЖ СУ нинг рўйхатга олинган реквизитлари:

Тўлиқ номи: «Молочный домик» масъулияти чекланган жамияти Савдо уйи
Юридик адрес: Чирчик ш., Бойсун кўчаси, 60.

ИНН: 7060251284

Телефон: 31-32-22

Х/Р: 40702830300000007991

Банкда: АКБ «Агробанк»

Банк манзили: Чирчик, Сувбуи кўчаси, 12

Корр. счет: 30509210700000001723

БИК: 048560812

Телефон: 30-50-79

Индекс, банкнинг почта манзили: Чирчик, 650024, а/я 24

13 масала.

2017 йил 20 августда “Молочный домик” МЧЖ СУ дан олдиндан тўлов

келиб тушганлиги факти бўйича “Карамелька” МЧЖ корхонаси бухгалтериясида № счёта-фактура ёзиш керак.

8. МОЛ ЕТКАЗУВЧИЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБ

14 масала.

“Карамелька” МЧЖ корхонаси «AZN» МЧЖ томонидан 1 дона 1500000 сўмлик 15% ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда «Совутиш қурилмаси ХУ-9» ишлаб чиқариш жиҳозини етказиб берганлиги учун унга 15.08.2017 йил № 2 счёта-фактура бўйича тўловни амалга оширди.

2017 йил 15 августда “Карамелька” МЧЖ корхонаси бухгалтерияси томонидан №1 тўлов талабномаси ёзилган ва АТ “Ўзсаноатқурилишбанк” Чилонзор филиалига юборилган.

Счета-фактурада «AZN» МЧЖнинг куйидаги банк реквизитлари кўрсатилган:

Тўлиқ номи: «AZN» масъулияти чекланган жамият

Юридик адрес: Тошкент ш, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 160.

ИНН: 7760345665

Телефон: 71 228-54-20

Х/Р: 40702810400000000217

Банкда: АТ “Ўзсаноатқурилишбанк” Чилонзор филиали

Банк манзили: Муқимий кўчаси, 18

Телефон: 71 252-29-01

Корр. счет: 30109810700000000005

БИК: 044565005

2017 йил 15 августда “Карамелька” МЧЖ корхонаси бухгалтериясига АТ “Ўзсаноатқурилишбанк” Чилонзор филиалидаги ҳисоб рақамидан 2017 й. 15.08 даги №1 тўлов талабномасининг нусхаси тикилган выписка келиб тушди. Выпискада «AZN» МЧЖ ҳисоб рақамига 1 500 000 сўм миқдоридagi маблағ кўчирилганлиги кўрсатилган.

15 масала.

“Карамелька” МЧЖ корхонаси «AZN» МЧЖ томонидан 340000 сўмлик 15% ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда етказиб берилган жиҳоз учун 2017 йил 16 августдаги №1 счёта бўйича олдиндан тулов қилди.

2017 йил 16 августда бухгалтерия томонидан №2 тўлов талабномаси ёзилган ва АТ “Ўзсаноатқурилишбанк” Чилонзор филиалига юборилган.

Шу куннинг ўзидаёқ “Карамелька” МЧЖ корхонаси бухгалтериясига АТ “Ўзсаноатқурилишбанк” Чилонзор филиалидаги ҳисоб рақамидан 2017 йил 16 августдаги №2 тўлов талабномасининг нусхаси тикилган выписка келиб тушди. Выпискада «AZN» МЧЖ ҳисоб рақамига 340000 сўм миқдоридagi маблағ кўчирилганлиги кўрсатилган.

9. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИ

“Асосий воситалар” маълумотномасини ташкил қилиш
16 масала.

“Асосий воситалар” маълумотномасига АВ объекти маълумотларини киритиш керак

Номи: Совутиш қурилмаси «ХУ-9».

Инвентарь рақами бухгалтериядан берилади.

Тур (АВ гуруҳи): Машина ва жиҳозлар.

Тип АВ: Хусусий асосий восита

Ҳолати: В эксплуатация.

Келиб тушиши усули: Сотиб олинган.

Мол-мулк солиғи ставкаси: 2,2.

Олинган санаси: 15.08.2017 й.

Ишга тушиган санаси: 16.08.2017 й.

Фойдали ишлатиш муддати: 12 йил – (144 ой).

Амортизация ажратмаси бўйича харажатларни киритиш счёти: 25

Умумий ишлаб чиқариш харажатлари: Асосий воситалар амортизацияси.

Дастлабки қиймат: 15711,86 сўм.

Бириктирилган бўлим: № 1. цех

Сарф тури: АВ ни олиш билан боғлиқ.

Мол етказувчилардан АВ келиб тушиши

17 масала.

2017 йил 15 августда “Карамелька” МЧЖ корхонасига «AZN» МЧЖ томонидан №1234 товар-транспорт йўлланмаси билан 1 дона 1500000 сўмлик 15% ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда «Совутиш қурилмаси ХУ-9» ишлаб чиқариш жиҳозини етказиб берилди. Аввал унга 15.08.2017 йил № 2 счёт бўйича тўлов амалга оширилган эди. АВ келиб тушганлиги фактини ифодаланг.

АВ ни истеъмолга киритиш

18 масала.

2017 йил 16 августда №1 қабул қилиш-топшириш акти бўйича №1 цехга истеъмол учун берилди.

АВ ишлатишга берилганлиги фактини ифодаланг.

10. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЗАҲИРАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

19 масала.

“Карамелька” МЧЖ корхонасига МИЗ 3 та омборда сақланади, улар:

- №1 материаллар омборхонаси
- тайёр маҳсулотлар омборхонаси
- асбоб-ускуналар омборхонаси

“МИЗ сақлаш жойлари” маълумотномасини тўлдириш.

11. МАТЕРИАЛЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

20 масала.

2017 йил 219 августда “Карамелька” МЧЖ корхонасининг асбоб-ускуналар омборхонасига мол етказиб берувчи «AZN» МЧЖ томонидан 2017 йил 19 августдаги №26 товар-транспорт йўлланмаси билан жиҳозлар етказиб берилган ва 2008 йил 16 октябрдаги №3 счётда куйидагилар кўрсатилган:

Номи	Ўлчов бирлиги.	Сони	Нархи, сўм.	Сумма, сўм.
Болга	дона	3	13000	39000
Гайка қалити	дона	2	35000	70000
Торнавида тўплами	дона	4	45000	180000
			Жами	289000
			ҚҚС 15%	51000
			Жами тўлов	340000

Жиҳозларни келиб тушганлигини ифодаланг.

21 масала.

2017 йил 23 августда «AZN» МЧЖ дан жиҳозларни етказиб бериш бўйича 23.08. 2017 йилдаги №345 счёт-фактура олинган.

22 масала.

2017 йил 23 августда хайдовчи-экспедитор А.Х.Джумаев моддий бойликлар олиш учун корхона кассасидан 500000 сўм нақд пул маблағини олган.

23 масала.

2017 йил 22 августда «Time» МЧЖ (Набережная кўчаси, 9) корхонасидан А.Х.Джумаев томонидан нақд пул маблағларига куйидагилар олинган:

Номи	Сони	Нархи, сўм.
Шакар	10 кг	50000
Тухум	40 шт	3200
Жами ҚҚС		52200

Шу куннинг ўзида шу ходим томонидан “Тезкор савдо” МЧЖ корхонасидан куйидагилар олинган:

Номи	Сони	ҚҚС билан нархи, сўм.	Қиймати
Сут	70 л	4000	280000
Зардоб	50 л	2900	145000
Жами ҚҚС			425000

2017 йил 22 августда сотиб олинган барча нарсалар №1 омборхонага олиб келинди ва омборчи томонидан №2 ва №3 қирим ордерлари билан қирим

килинди, бир вақтнинг ўзида бухгалтерияга 22.08.2017 йилдаги №34 счёта-фактура («Тіме» МЧЖ) ва 22.08.2017 йилдаги № 312 счёта фактура («Тезкор савдо»)лар топширилди.

2017 йил 23 августда корхона бухгалтериясига А.Х.Джумаев томонидан тасдиқловчи ҳужжатлар ва оморхона кириш ордерлари билан №1 аванс ҳисоботи топширилган. 477200 сўмлик ҳисоб тасдиқланган.

2017 йил 24 августда А.Х.Джумаев томонидан берилган авансдан қолган 22800 сўм кассага топширилган.

12. МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

24 масала.

«Карамелька» МЧЖ корхонаси ишлаб чиқаришга тўғри харажатларни аналитик ҳисобини фаолият турлари бўйича олиб боради. Корхонанинг фаолият йўналишлари куйидаги жадвалда кўрсатилган.

Номи	ОКПД бўйича коди	Номенклатура типи
Майонез	100	Маҳсулот
Қатик	200	Маҳсулот
Масло	300	Маҳсулот

«Маҳсулот турлари (иш, хизмат)» маълумотномасини тўлдириш.

25 масала.

«Карамелька» МЧЖ корхонаси ишлаб чиқариш харажатлари аналитик ҳисобини харажатлар моддаси кесимида олиб боради. Харажатлар моддасини куйидагича ажратиш мумкин:

- моддий харажатлар;
- меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- асосий воситалар амортизацияси;
- бошқа харажатлар.

«Ишлаб чиқариш харажатлари моддалари» маълумотномасини тўлдириш.

26 масала.

«Карамелька» МЧЖ корхонаси умумий ишлаб чиқариш харажатларини ажратади:

- бинолар, қурилмалар ва инвентарлар амортизацияси;
- бошқа ноишлаб чиқариш сарфлари.

«Умумий ишлаб чиқариш харажатлари моддалари» маълумотномасини тўлдириш.

27 масала.

«Карамелька» МЧЖ корхонаси умумхўжалик харажатларини ажратади:

- командировка ва бошқа жойга кўчириш;
- асосий воситалар амортизацияси;
- бошқа ноишлаб чиқариш сарфлари.

«Умумхўжалик харажатлари моддалари» маълумотномасини тўлдириш.

«Номенклатура» маълумотномаси

28 масала.

«Номенклатура» справочнигига «Карамелька» МЧЖ корхонаси томонидан ишлаб чиқариладиган барча маҳсулотлар рўйхатини киритиш.

Маҳсулотлар турлари бўйича гуруҳларга бирлаштирилиши керак. Ҳар бир гуруҳ маҳсулоти мустақил кодлаштирилиши керак.

Номи	тур	Ўлчов бирлиги.	Режали таннарх	Чиқарилиш баҳоси	ҚҚС ставкаси
100. Майонез					
101. «Провансаль»	Маҳсулот	шт.	5000	6500	15
102. «Михеев»	- / - / -	шт.	5100	6500	15
200. Кефир					
Кефир 2%	- / - / -	шт.	2300	2500	15
Кефир 3,2%	- / - / -	шт.	2500	2750	15
300. Масло					
Масло «Анкор»	- / - / -	шт.	3600	4000	15
Масло «Бутербродное»	- / - / -	шт.	3000	3300	15

13. МОДИЙ ЗАҲИРАЛАРНИ ИШЛАТИШ

29 масала.

2017 йил 22 августда №1 талаб-йўлланмаси бўйича материаллар оморхонасидан ишлаб чиқаришга материаллар берилди.

№	Материаллар номи	Харажатлар ҳисоби	Ўлчов бирлиги	Чиқарилган сони
1	Шакар	2010	кг	30
2	Сут	2010	л	20
3	Тухум	2010	шт	10
4	Зардоб	2010	л	10

14. ТАЙЁР МАҲСУЛОТ ЧИҚАРИШ ВА СОТИШ

30 масала.

2017 йил 27 августда «Карамелька» МЧЖ корхонаси тайёр маҳсулотлар оморхонасига куйидаги маҳсулотлар кириш қилинган.

№	Номи	Сони	Қиймати	Сумма
1	Масло «Анкор»	250	3600	900000
2	Кефир 3,2%	300	2500	750000
3	Майонез «Провансаль»	280	5000	1400000

Жами: 3050000 сўмлик тайёр маҳсулотлар берилган

Тайёр маҳсулотлар ва товарларни юклаш

31 масала.

2017 йил 28 августда “Карамелька” МЧЖ корхонаси омборхонасидан №1 шартномага мувофиқ «Молочный домик» МЧЖ Савдо Уйи га куйидаги Тайёр маҳсулотлар юкланди:

Маҳсулот	Сони	Нархи	Сумма	ҚҚС	Жами
Масло «Анкор»	250	4000	1000000	150000	1150000
Қатик 3,2%	300	2750	825000	123750	948750
Майонез «Провансаль»	280	6500	1820000	273000	2093000
Жами: 2093000 сўмлик юкланган, шу жумладан ҚҚС: 546750 сўм					

15. ИЖТИМОЙ ФОНДЛАРГА АЖРАТМАЛАР ВА МЕХНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ

32 масала.

2017 йил 31 августда маъмурий-бошқарув персонали ва №1 ишлаб чиқариш цехи ишчисига ойлик маош миқдоридан иш ҳақи тўлови ҳисобланди.

33 масала.

2017 йил 3 сентябрда АТ “Ўзсаноатқурилишбанк” Чилонзор филиали ҳисоб рақамидан корхона ишчиларига август ойига иш ҳақи тўлаш учун нақд пул ечиб олинди. Касса кирим ордери тузилган, банк випискаси олинган ва компьютер дастурий бухгалтериясига киритилган.

34 масала.

2017 йил 2 сентябрда иш ҳақи тўлаш учун №1 ва №2 тўлов ведомостлари шакллантирилди.

16. ҲИСОБОТ ДАВРИНИ ЯКУНЛАШ

35 масала.

2017 йил иккинчи кварталда “Карамелька” МЧЖ корхонаси балансида турган асосий воситалар амортизацияси ажратмалари ойлик ҳисобини ўтказиш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш (август-сентябрь учун).

36 масала.

Ҳисобот ойи якунида (август 2017й.) 2510 “Умумий ишлаб чиқариш сарфлари” ва “Хизмат кўрсатувчи хўжалик” счётларидан билвосита ишлаб чиқариш харажатларини ҳамда фаолият йўналиши бўйича тўғри харажатлар улушини 2010 фаолият турлари счётига ўтказиш керак.

17. ТАРТИБЛАШТИРИЛГАН ҲИСОБОТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

37 масала.

Бухгалтерия балансини шакллантириш. Бунинг учун «*Регламентированные отчеты – Бухгалтерская отчетность – Бухгалтерский баланс*» диалог шаклига мурожаат қилинг.

Ҳисобот топшириш санаси ва даврини белгиланг ва уни тўлдириш.

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

1. Гулямов С.С., А.А. Мусалиев, Ш.И. Хашимходжаев. Проектирование автоматизированных экономических информационных систем. Учебник. – Т.: ТГЭУ, 2007, - 343 стр.
2. Романов А.Н.,Одинцов Б.Е. Информационные системы в экономике. Учеб.пособие. - М.:Вузовский учебник, 2007. - 300 стр.
3. Трофимова В.В. Информационные системы и технологии в экономике и управлении. учебник. - М.:Высшее образование, 2006. - 480 стр.
4. Тулаев М.С. Бухгалтерия ҳисобида ахборот тизимлари. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2016. - 202 б.
5. Шумеров Е.П., Умнова Э.А., Воропаева Т.В. Автоматизированные информационные системы бухгалтерского учета, анализа, аудита. Учеб.пособие. - М.: Перспектива, 2005. - 363 стр.
6. Louise Kretschmar, FransPrinsloo, Martin Prozesky and others. Ethics for Accountants and Auditors. Oxford University Press; 3rd edition, 2014.
7. Rajiv D. Banker, Hsihui Chang, Yi-ching Kao. Impact of Information Technology on Public Accounting Firm Productivity. Journal of Information Systems, 2002.
8. 1С: Бухгалтерия 8.3. Руководство по ведению учета (Описание типовой конфигурации редакции 4.5). – М, Фирма «1С», 2018.
9. Григорьева В. 1С Предприятие: Самоучитель. – СПб.: «Тритон», 2005.
10. Елифанов О.В. Лабораторный практикум по бухгалтерскому учету. Сквозная задача. Учебно-практическое пособие. – М.: «Проспект», 2006.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1.Лаборатория практикумининг мақсади ва вазифалари.....	3
2. Ахборот базасини ташкил қилиш ва иш даврини ўрнатиш.....	5
3.Ахборот маълумотномани киритиш.....	5
4.Устав капиталини шакллантириш.....	9
5.Касса операцияларини ҳисобга олиш.....	9
6.Ҳисоб рақами бўйича операциялар.....	10
7. Харидорлар билан ҳисоб-китоб	10
8.Мол етказувчилар билан ҳисоб-китоб	11
9.Асосий воситалар ҳисоби.....	12
10.Ишлаб чиқариш захираларини шакллантириш.....	12
11.Материалларни ҳисобга олиш.....	13
12.Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини ташкил этиш.....	14
13.Моддий захираларни ишлатиш.....	15
14.Тайёр маҳсулотни чиқариш ва сотиш.....	15
15.Ижтимоий фондларга ажратмалар ва меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ҳисоби.....	16
16.Ҳисобот даврини яқунлаш.....	16
17.Тартиблаштирилган ҳисоботларни шакллантириш.....	17
Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати.....	18